

Мамлакатимиз иқтисодийтини ривожлантиришда ўрта ва кичик бизнес корхоналари, хусусий тадбиркорлар ўзига хос ҳисса қўшишга интилишмоқда. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг ҳам бу борадаги ишлари, мақсадлари ибратлидир. Шаҳримизнинг Сергели тумани Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Бахтиёр МИРЗАЕВ билан суҳбатимиз палатанинг айни кунлардаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорлари асосида кичик ва ўрта тадбиркорликни янада ривожлантириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида бўлди.

Доимо қанот бўлайлик

— Тадбиркорлик фаолияти — тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган, тавakkal қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир. — дея сўзини бошлади Бахтиёр Мирзаев. — Туманимизда жами 1439 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари рўйхатга олинган бўлиб, ҳозирда 1134 таси муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Саноат тармоқларида 270 та, транспорт ва аҳолида 36 та, қурилишда 180 та, савдо ва умумий оқватланишда 374 та, бошқа тармоқларда 274 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Утган йилда 150 та ва жорий йилнинг утган ойларида 30 тадан ортқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари палата аъзоллигига қабул қилиниб, юридик мақомага эга бўлган аъзолар сони 1100 тадан ортқ кетди. Туман ҳокимининг қарорини амалда қўллаб 524 та янқа тартибда фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркорлар ҳам аъзоллик қабул қилинди ва палата умумий аъзоларининг сони 1600 тадан ошди.

— Асосий мақсадимиз — ўрта ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни амалда қўллаб-қувватлаб, уларни ҳимоя қилиб, етарли имкониятлар, шарт-шароитлар яратишда кўмаклашиб, бунинг эвазига 950 та янги иш ўринлари ташкил этишга эришидик. Туманда янги махсулот ишлаб чиқариш ҳақида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг улуши 24 фоизни ташкил қилади.

— Кредит олиш масаласида тадбиркорларга қандай ёрдам кўрсатилади? — Палатаимизнинг кредит сивест тадбиркорликни ривожлантириши рағбатлантиришга, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга, халқ ҳўжалигида рақобат мухитини ривожлантиришга, бозорни биринчи эҳтиёж моллари билан тўлатишга қаратилгандир. Хорижий кредит линиялари ҳамда миллий валютадаги маблағларни жалб қилиш ҳисобига маҳаллий хом ашёдан тайёр махсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарга ташаббус кўрсатишда давом этирилади. Тадбиркорларнинг тўлиқ ахборотларга эга бўлишларини таъминлаш мақсадида уларни фаолият кўрсатаётган кредит тизимлари, кредитлаштиришнинг шартлари ва талаблари, ҳўжатларни тайёрлаш қоидалари ва уларни тақдим этиш жараёнлари ҳақида таништириш ишларини олиб бораёلمиз. Тумандаги «Жалилу Жалол» масъулияти чекланган жа-

Амалий ёрдам берилмоқда

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар ҳимояси бўйича адлия идоралари олдига қўйган вазифаларни амалга ошириш учун Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ишчи гуруҳи энг аввало тадбиркорларда ҳимояланиш ҳиссини уйғотиш, уларнинг онгига бузилган қонуний ҳуқуқларини ҳукумат, давлат томонидан ҳимоя қилинишини сингдириш зарурлигини аниқлаш ҳолда асосий мақсадни доимий, аниқ мақсадга йўналтирилган тарғибот, ташвиқот ишларига қаратмоқда.

Бошқармаимиз тадбиркорлар ва хусусий мулк субъектлари ҳуқуқларини, уларнинг қонун билан ҳимоя қилинаётган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича назорат органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари учун жавобгарликка тортиш (етказилган зарар, бой берилган фойда ва маънавий зарарни қоплаш) борасида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, жорий йилда ҳуқуқлари поймол бўлган 5 та тадбиркорлик субъектлари манфаатини қўзлаб 5 та жавобгарларга нисбатан Тошкент шаҳар ҳўжалик судига судига даъво аризаси киритилди.



«Саноатсўқна» кичик корхонаси жавобгар С. Раҳимов туман Агрегат заводи билан 17.12.99 йилдаги 68-шартнома асосан бажарилган иш учун 1.203.884 сум 76 тиинини тулашдан бош торганлиги, шартнома бўйича бажарилган иш 01.01.2001 йилдаги икки томонлама солиштириш далолатномаси билан тасдиқланган.

Кичик корхона томонидан 2000 йилнинг 7 декабрида ҳамда 2001 йилнинг 25 январидан қарз бўйича юборилган эътирозлар жавобгар томонидан бажарилмасдан келинаётганлиги сабабли жавобгар С. Раҳимов туман Агрегат заводи билан 1.203.884 сум 76 тиинини «Саноатсўқна» кичик корхонаси фойдасига ундириш ҳақида Тошкент шаҳар ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Бошқармаимиз томонидан хусусий тадбиркор Д. Феденконинг манфаатини қўзлаб жавобгарлар Юнусов ва Мирзамажидовлар билан бошқармаси қатта тарғиботи бўлиб ишланган (ҳозирда Тошкент шаҳар ИИББ тарғиботи) А. Чуруков ва Юнусов тумани давлат солиқ инспекцияси бош сурштирувчиси бўлиб ишланган (ҳозирда Тошкент шаҳар ДСББ масъул ходими) М. Мирзамажидовлардан тадбиркорнинг асосий равишда жиноий жавобгарликка тортилиши оқибатида унга етказилган 69.000 сум моддий ҳамда 100.000 сум маънавий зарарларни ундириш тўғрисида Мирзо Улугбек туманларо фуқаролик судига 2001 йил 2 февралда киритилган даъво аризаси бўйича фуқаролик иши суди томонидан 2001 йил 13 февраль кўни мазмунан қўриб чиқилди.

Мирзо Улугбек туманларо фуқаролик судининг шу кўниги хал қилув қарорига қўра даъво тўлиқ қаноатлантирилиб, жавобгарлар А. Чуруков ва М. Мирзамажидовлардан хусусий тадбиркор Д. Феденко фойдасига 69.000 сум моддий ҳамда 100.000 сум маънавий зарарларни ундириш белгиланди.

Бошқармаимиз ҳодимлари 2001 йил 14-15 февраль кўнлари пойтахтимизнинг С. Раҳимов, Сергели туманлари товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палата тасиси, ҳокимият идоралари билан ҳамкорликда туманда фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркорлар билан семинар машғулотлар ўтказди. Ушбу семинарларда Адлия вазирлиги, шаҳар адлия бошқармаси, Республика прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарларини томонидан 2001 йил 8-10 январь кўнлари имзоланган ҳўжалик юритувчи субъектларда қарама-қарши текширувларнинг ўтказилишини тартибга солиш тўғрисидаги қўшма топшириқнинг мохияти тўшунтирилди.

Ҳозирда семинар машғулотлари Тошкент шаҳардаги бошқа туманларда ҳам ўтказилиши режалаштирилмоқда.


Маҳмуд РАҲМОНОВ, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бош мутахассиси, Неймат АКБАРОВ, қатта мутахассис.

«Озода» кичик корхонаси манфаатини қўзлаб жавобгар «Тоштинбаъмирқурилиш» трестидан бажарилган таъмирлаш ишлари учун 347.219 сўмини ундириши жавобгарнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида бўйруқ чиқариш ҳақида 2001 йил 26 январь кўни Тошкент шаҳар ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди.

«Озода» кичик корхонаси манфаатини қўзлаб жавобгар руҳий клиник касалхонасидан шартнома бўйича бажарилган таъмирлаш ишлари бўйича 864.175 сўмини ундириш тўғрисида 2001 йил 26 январь кўни Тошкент шаҳар ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Шарифа ЙЛЕСОВА суҳбатлашди.

ДИЛ ИЗҲОРИ



Шаҳримизнинг кафтдек текис, раван йўллари...

Турлари кўпаймоқда

Шаҳримизнинг Юнусов туманида 4 йилдан бўён муваффақият билан фаолият кўрсатаётган «Дилек Интерпрайз» хорижий корхонасида ишлаб чиқарилаётган қандолат махсулотлари нафақат мамлакатимизда, балки Ҳамдўстлик давлатларида ҳам ўз харидорини топган.

АҚШ долларлик махсулот экспорт қилган бўлса, жорий йилда бу рақамни кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Корхонанинг юксак унвонли хориж асбоб-ускуналари билан жиҳозланганлиги чиқарилаётган махсулот сифатининг юқори бўлишини таъминламоқда. Бу ерда 100 нафарга яқин маҳаллий ишчи-хизматчиларнинг меҳнатлари эвазига тайёрланаётган шоколад, вафли, печенье-ларнинг хилма-хил турлари ўзининг таъми, чиройли қадоқланиши билан чет элликдан асло қолишмайди.

Маҳаллий хом ашёдан хориж технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар тури бугунга келиб 24 хилдан ортқ кетди.

Корхона пойтахтимиз ҳамда бошқа вилоятлардаги энг қатта супермаркет ҳамда замонавий савдо шохобчаларига буюртмалар асосида ўз махсулотларини етказиб беришмоқда. Шунингдек, ўтган йилда Россия, Қозғистон ва Қирғизистонга бир миллион

«Тошкент Оупен»нинг жозибаси

Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойишларига биноан шу йилнинг 9-17 июнь кўнлари пойтахтдаги «Динамо» спорт мажмуиди хотин-қизлар ўртасида навбатдаги аънанавий «Тошкент Оупен» халқаро теннис турнири ўтказилади.

Тларни жаҳон талаблари даражасида тайёрланмоқда. Бу йил малакали теннисчи қизларимизнинг маданий дам олишига алоҳида эътибор берилди. Улар хоҳлаган пайтларда яқинлари билан телефон орқали гаплашишлари ҳамда Интернет тизимидан фойдаланишлари учун тегишли барча шарт-шароитлар яратилади. Мехмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан таништирилади. Шунингдек, уларнинг дам олишлари янада мароқли бўлиши учун алоҳида маданий дастур ишлаб чиқилмоқда.

Ириқ спорт мусобақаларидан бири бўлган ушбу турнирга тайёргарлик қандай кечаётганлигини билиш мақсадида турнир ташкилий қўмитаси аъзоси, «Динамо» теннис клуби раиси А.Г.Елҳинга бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

Теннис мусобақаларини ёритишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган оммавий-ахборот воситаларининг аккредитациядан ўтган барча ходимлари кўн давомида энг янги материаллар билан таъминланиб турилади.

Алексей Георгиевич, турнир ва унга тайёргарликнинг бориши ҳақида гапириб берсангиз?

Мусобақа кўнлари «Динамо» теннис мажмуидидаги барча 20 та корт теннисчи қизларга берилди. Улар бу кортларда хоҳлаган пайтларда маш ўйинларини ўтказишлари мумкин бўлади. Асосий мусобақалар учун 5 та корт тайёрланмоқда.

— Аввало шуни таъкидлаб ўтишни керакки, «Тошкент Оупен» теннис турнири хотин-қизлар ўртасида ўтиб келаётган АТП йўналишидаги нуфузли халқаро мусобақалардан бири ҳисобланади. Эсингизда бўлса, теннисчи хотин-қизлар ўртасида илк бор халқаро беллашув 1996 йил, «Челленжер» тоифасида ўтказилган эди. Йилдан-йилга жаҳоннинг таниқли теннисчи қизлари орасида ушбу турнирга бўлган эътибор ортқ борди. Албатта, бу ўз самарасини берди. 1999 йил Профессиял теннисчи хотин-қизлар ассоциацияси бизда ўтаётган мусобақаларнинг қўлами ва спорт оламидаги шўхратини инобатга олиб, унга «Тошкент Оупен» номи берди. Урни келганда шуни ҳам қайд қилиб ўтишни жоизки, Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида бундай турнирлар фақат Москвада ва Тошкентда ўтказилиб келинмоқда.

— Саволингиз ўричили. Шу кўнчага жаҳон теннис кортларида ўзларни кўрсатқан 60 га яқин теннисчи аёллар «Тошкент Оупен» турнирига тақлиф этилди. Улар орасида франциялик Сандрина Тестуд, АКШлик Мерҳанн Шогенеси, Холи Паркинсон, Италиялик Татьяна Гарсин, словакиялик Жанет Хусарова, Мартина Зуха, хитойлик Йи Инг-Куан, венгриялик Петра Мандула, белорусиялик Татьяна Путчча ва Надежда Островская каби таниқли теннисчилар бор. Албатта, хотин-қизлар ўртасидаги «Тошкент Оупен» халқаро турнирини юртдошимиз, ўтган йилги мусобақа голиби Ирода Тўлагановасиз тасаввур этиб бўлмайди.

Хозир навбатдаги турнирга қизгин тайёргарлик қўрилмақда. Асосий эътибор турнирни юқори савияда ўтказишга қаратилган. Турнир ташкилотчиси бўлган «АТП Лимитед» компаниясининг Исроилдаги ваколатхонаси ва унинг президенти Сассон Кақшури билан мунтазам ташкилий ишлар олиб борилмақда. «Динамо» теннис клубининг мусобақа ўтадиган кор-

Имкониятдан фойдаланиб, барча теннис ишқибозларини ўта нуфузли теннис турнирларидан бирига айлиниб қолган «Тошкент Оупен» теннис турнирига тақлиф этаман. Улар аёлларнинг бу йилги халқаро теннис мусобақаларидан олам-олам завқ олишига аминман.

Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ, «Тошкент Оупен» матбуот маркази ходими.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Тегишли чоралар кўрилади

Шаҳар ҳокимлигида пойтахт эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг раиси Эркин Эрназаров олиб борди.

қилинаётган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтишди.

Йиғилишда сўзга чиққан шаҳар санитария-эпидемиология марказининг бош шифоқори Саидмурод Сайдаев пойтахтда вабо, безғак ва уткир юқумли ичак касалликларининг олдини олиш, очиқ сув хавзаларининг санитария ҳолатини яхшилаш, деҳқон ва буюм бозорларидаги тартибсизлик ҳолатларига барҳам бериш бўйича қилинаётган ишлар, амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳусусида тўхталиб, бу борада 2000 йил ва жорий йилнинг биринчи чорагидаги ахвол тўғрисида маълумот берди.


Ичимлик суви билан тўла таъминлаш юқумли касалликларнинг олдини олишда муҳим омили вазифасини ўтади. Шаҳар «Сувсос» трестининг бошлиғи Гаффор Норमतов ҳозирги қўнда насос стацияларининг ахволи, ичимлик сувини тозалаш юзасидан хлор, аччиқтош каби моддалар билан таъминлаш қандай кечаётганлиги, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими раисининг ўринбосари Ақида Азизова эса бугунги кўндаги энг долзарб масалалардан бири — каналлар бўйидаги санитария ҳолатига зид ноқонуний қурилмага зид ноқонуний қурилма ва уларни тугатиш юзасидан

«Тошбозортайёрловсавдо» уюмаси раисининг биринчи ўринбосари Фазлиддин Нуралиев шаҳримиздаги барча бозорлардаги санитария ҳолатини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар ва бу борадаги муаммоларни ўртага ташлади.

Албатта, шаҳарни тоза

Сўзга чиққанлар сифати кафолатланмаган айронлар, уй шарбатлари сотиш, бозорларда озиқ-овқат махсулотлари билан ерда савдо қилиш ҳолатларига чек қўйиш лозимлигини таъкидлади.

Туманлардаги мутасаддилар олдида суваримизни ифлослантираётган каналлар бўйидаги барча санитария ҳолатига зид ноқонуний қурилмаларни 10 июлга қадар тугатиш вазифаси қўйилди.



Пойтахтимиздаги «Нон-паста» ҳиссадорлик жамияти қандолат чехи тадбиркорлари махсулотини харидориг турлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. СУРАТДА: Дилором Асқарова чехнинг қўли гул қандолатпазларидан бири ҳисобланади. Сергей Любич олган сурат.

Қалбим завққа тўлади

Сирождин ЗИЁМОВ, Миробод туманининг «Энг яхши хўнарачиди»

— 20 йилдан бўён хўнарандчилик билан шуғулланиб келаман. Айниқса, Мустақиллик йилларида тадбиркор ва хўнарандчиларга яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар менга илҳом бериб, янги-янги махсулотлар яратишга, улардан нафақат юртимиз аҳолисини, балки хорижликларни ҳам завқлантиришга ундайди.

Қўлимиздан келади

Ҳамза ХУШВАҚОВ, Акмал Икромов туманидаги «Тальяна» хусусий фирмаси раҳбари:

— Тадбиркор сифатида иш бошлашдан олдин мен ўз олдимга рақобатбардош, импорт ўрини босувчи махсулот тайёрлашни асосий мақсад қилиб қўйдим. Ахир хом ашё сифатли бўлса, технология замонавий, кадрлар эса билимли ва малакали бўлса бунга нега эришиб бўлмасин?! Асосий иш фаолиятимизни ўтган йилнинг феврал ойидан бошлаганмиз. Корхонамиз Япония технологияси билан жиҳозланган бўлиб асосан эркаклар шини ва костюм-шимларни тикайми. Хом ашёни юртимиздаги «Косонсой-Текмен» қўшма корхонасидан оламиз.

Утган бир йиллик фаолиятимиз давомида ишлаб чиқарган махсулотларимиз харидорларга манзур бўлди. Ва тикувчиларимиз хорижиникидан асло қолишмайдиган, улар билан бемалол рақобатлаш оладиган кийим-кечаклар тайёрлашга муваффақ бўлишди. Бунга биз бозорни тула-туқис урганаётганимиз боиси эришганимиз, десам янглишмайман.

Иш фаолиятимизни энгидигна бошладик, мақсадимиз мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўиш. Хали олдимизда қўзлаган ниятларимиз кўп. Замонавий моделдаги эркаклар кўйлагини ва костюм-шимларни яратиш, махсулотларимизни қўшни давлатларга, сўнра хорижа қиқаришни режалашганимиз. Россияда ўз фирма дўконимизни очмоқчимиз. «Тадбиркорга омад ёр» дейди ҳамма халқимиз. Ана шу омадга биз тинимсиз меҳнатимиз, изланиш ва билимимиз боис эришамиз.

Шарофат БАХРОМОВА ёзиб олди.

Шарофат БАХРОМОВА ёзиб олди.

Юртбошимиз кўп бор таъкидлаганларидек тарихсиз келажак йўқ, адолатли тиклашдан тўриб эса адолатли жамият куриб бўлмайди. Яқинда Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган «Қадоғон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони ҳам шу маънода халқимиз кўнгилдаги иш бўлди.

Фармонда зикр этилган юмушлар тизими юртимиз мустақиллигини мустақамлаш, ёшларни истиқлол юлини руҳида тарбиялаш ва Ватанимизнинг буюк келажакни куришга хизмат қилади. Шулар ҳақида уйлаш туриб шу дамда беихтиёр ҳаёлимдан хўш ўтган асримиз бизга нима берди, ўзи? деган савол жонланди. Бу асрда кетма-кет иккита жаҳон уруши бўлганлигининг ўзи катта фожиа. Ёки бўлмаса бу аср тоталитаризм асри бўлганлиги, айниқса Шўролар замонида яшаган одамлар учун зулим асри бўлганлигини эсланинг ўзи киёф. Ахир нечача одамларнинг ёстигини қуритган қадоғон йилларини унутиб бўладими? Лекин бир ҳақиқатни — инсоният ҳаммиса зулмга, истибдоҳга қарши курашиб келганлигини ҳеч қачон инкор этиб бўлмайди. Бунга минг йиллик тарих гувоҳ. Шу нуқтаи назардан қараганда асримизнинг 90-йиллари бизнинг ҳаётимизда, Ўзбекистон мамлақати ҳаётида мустақилликка эришилган давр бўлганлиги билан ҳам тарихимизга муҳрланган. Бу мамлақатимиз халқларининг бир неча асрлик озуқаси руёбга чиққан ҳодиса бўлди, деб баралла айтаман. Бинобарин, юртимизнинг минггала асл фарзандлари шу кунларни орзу қилмаган эдиларми?

БАРГДЕК узиллиб кетсам,
УНУТМАС менинг боғим,
ИШИМИн хурмат қилар,
ГУЛЛАрдан хайкал қурур.
МИНГ йиллардан кейин ҳам
УНУТМАС менинг боғим...

каби қайноқ сатрлар куйчаси Усмон Носир ёки «Ўтган замон учун эмас, келар замон учун ҳозирланайлик», деб ораули келажак ҳақида бонг урган Маҳмудхўжа Бехбудий. Мунавварқори Абдурашидхон ўғли хууссида сўз юришлайлик! Уларнинг ўзлари билан бирга олиб кетган дарду ҳасратларини битишга қалам ожизлик қилади-ку. Уларга айтар сўзимиз: «Сиз жисман йўқ бўлсангиз ҳам руҳан биз билан биргасиз. Сиз ҳамиша тилимиз ва дилимизда мангу яшасиз».

Муаззам хиёбоннинг энг жажжи зиёратчиси бўлмиш қизалоқ ёнида тўхтагимиз. У онасининг қўлидан тутган ҳолда ўз ёшига хос ўйноқлаб эмас, балки ҳазин музика оҳангига мос вазин қадимлар билан саккиз устун қўтариб турган гўмбаз томон бормоқда. Бир зум тўхтаб ўндан бу ерга келишиминг маъносини сўрадик. Шунда у бизга фалати қараш қилди. Кейин биорин тиллари билан: «Бу ерга Қодирий бобоимни қўрган келдим», деган жавобни берди.

Қўларимизга беҳиётёр ёш келди. Водариг, шу мурғак қалб кўнглига ҳам адолат шамоли ўзининг эпкин еларини ташлаб ўтган бўлса не ажаб!

Хайрияти, ҳаётда ҳақиқат ва адолат деган сўз ва тушунча бор экан. У эгиларкан, букиларкан, лекин синмасан. Минг йиллардан қолган бу гап бизни узоқ орақтириб, ниҳоят яна қарор топди. Ҳақиқат машъали бир ўчди-ю, энди мангуға ёнди. Шахид кетган аждодларимиз хотирасига бағишлаб қўриларга мухташам ёдгорлик фикримизнинг ёрқин исботи.

Зиёратчилар билан суҳбатлашамиз:

— Оиламиз билан бу мажмуада тез-тез бўлиб турагимиз, — дейди Ҳикмат Расулов. — Айниқса у бахор кезлари янада гўзаллашиб кетади. Бу ер биз учун энг табарруқ, муқаддас жойга айланган қолган. Ватанимизнинг, унинг ҳар қачонини муқаддас санаган ана шу аждодларимиз меҳру муҳаббати бизларга ҳаммиса истиқлол йўллари кўрсатиб туради.

— Мен ушбу мажмуа қурилишида олдий қурувчи сифатида қатнашганимдан бениҳоя хурсандман, — дейди Дилшод Эгамбердиев. — Ушбу мажмуада халқимизнинг шахидлар хотирасига қалб кўри, юрак меҳри, садоқат ва ифтихори жўш уриб турибди. Биз табарруқ жойнинг қурилишида қатнашган эдик, бу ерга хашарга келган кекса отахонларимиздан миллатимиз жонқурлари, қатагон қурбонлари ҳақида кўп хикоятлар тингладик, уларни янада яқинроқ библи олдик. Ана ундай аждодлар руҳига садоқатли бўлиши яна бир бор дилимизга жо этганимиз.

— Шахидлар хотираси ёдгорлигини қўздан кечирарканман ҳар сафар хотирамда бир ўй кечеди, — дейди Хурматий Ламедова. — Мустақлақчиллик, босқинчилик сиёсати ҳукм сурган даврларда шахид кетганларнинг аксарияти бир инсоннинг умрини яшамаган эди. Лекин улрак қисқа ҳаётларидан ўзларидан яхши из қолдириб, мангуғи қалатга гаплар тарқалди. Шу яқин ўртада яшовчи кўшимиз кечаси тепалик томонда милтик овозини эшитибди. Эрталаб атайлаб келиб кўрса, пастдаги чуқурликда чала кўмилган икки мурдага кўзи тушибди. Олдинига бу гапдан хайратландик. Кейин эса бундай воқеалар тез-тез такрорланиб турди. Борбор милтик овозини эшитиш билан одамлар юзларига фотиха тортишадиган бўлиб қолишди. Билардикки, отилган ўқ яна бир беғунохнинг умрига нўқта қўйди. Кейин эшитас қўша шахидлар орасида Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари юртимизнинг энг сара гуллари ҳам бор экан. Ўтмишда ташландик, Хилватгоҳ бўлиб ётган бу майдон истиқлол шарофати ила муқаддас дароғга айланганидан беҳад хурсандимиз.

Келинг энди, бафуржа мушоҳада юришайлик. Хўш, бу гаплар, бу фикрлар нега керак? Уларни қайта-қайта такрорлашдан мақсад нима? Мурад шўки, бугуннинг қадири туз моҳиятига тўла тушуниб етайлик, биз учун берилган улуг нёъматлар нақадар азиз эканлигини жону тан ва бутун жисмишимиз ила ҳис етайлик. Шу азиз Ватан барчамизники экан, унинг ҳар бир заррасини кўз қорачиғидек авайлаб-асрайлик, бегона кўзлардан ҳимоя қилайлик.

Сўнгги сўз сифатида шоирнинг қуйидаги мисраларини келтириш лозим топдик:

**Ватан, сендан ўзга айтар сўзим йўқ,
Зарим, зўрим, балки нузли кўзим йўқ;
Сен омон бўл, йўқса менда тўзим йўқ,
Қодир эгам, Туркистонни асрагил!**

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

ТАДБИРЛАР

Лобар қизлар беллашуви

Тошкент юридик коллежида ўтказилган «Балли, қизлар!» кўрик-танлови нафақат талаба ва ўқитувчилар, балки «Ўстоз» жағғармаси ташаббуси билан пойтахтимизга таширғи буюрган канадалик меҳмонларни ҳам мамун етди.

Замонамиз қизларининг бугунги донолиғи зуққолиги, лобарлиғи назокати, оила бекалиғи қанчалик тайерлиғини синаш мақсадида оналар ва болалар йилга бағишлаб ўтказилган ушбу танловда талабалар Гулноза Бердибекова, Гулбахор Мухсимова, Дилноза Илёсова, Нодира Ёқубова, Мухаббат Мўминовалар билан ва муҳаббатларини намойиш етайиши. Айниқса, бу қизларнинг танлов шартларига кўра саволларга пухта жавоблари, пазанда ҳамда санъатга ошно эканлиғи йилланларга завқ уллади.

Ҳакамлар ҳайъати моҳир, истеъдодли, назокатли, жоийабдор ва энг яхши овоз соҳибаси бўлган танлов қатнашчиларини аниқлаб, уларга Фаҳрий ёрлик ҳамда совғалар топшириди.

— Коллежизмада тез-тез ўтказиб туриладиган бундай

тадбирлар ўғил-қизларимизнинг маънавиятини юксалтиришда, уларни миллий қадрларимизга садоқат, шарқона урф-одатларимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим ҳисса бўлмоқда. — дейди коллеж директорининг маънавият ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари Анар Хидиров. — Айниқса, ўтган йилдан бошлаб элмоний жиҳозланган янги бирода иш бошланганимиз талаба ва муаллимларимизни яна ҳам руҳлантириб юборди. Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошира бориб, қонуний демократик давлатимиз учун етуқ ҳуқуқшунослар етказиб беришга интиломдамиз. Тайёрлаётган кадрларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлишида ҳар бир ўтказилаётган тадбири-мизнинг аҳамияти ва ўрни бор.

Динора ГҲЛОМОВА

МАТБАА

Тарихий каталоглар

Ўзбекистон Давлат тарих музейида сақланаётган XVIII—XX асрларга доир ноёб металл ва қўлчиқлик буюмлари бўйича каталог кўп нўسخада қўз етилди. Бу нашр тарихимизнинг моддий ёдгорликларини илмий-услубий равишда ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Музей ҳодимлари бундай хайрли ишни давом еттириб, «Ўзбек миллий бош кийимлари» ҳамда «Миллий либослар» деб номланган каталогларни босмага тайёрладилар.

Аҳмад ВАЛИЕВ



Санъатнинг соҳрили оламга сабаҳат.
Равиль Альбеков олган сурат.

ТАЪЛИМ

Грант соҳиблари

Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонаси ёш китобхонлар бўлими «Чочик жамият» —Ўзбекистон институти кўмак «Сорос» жағғармасининг 20 миң доллар қийматда эга бўлган грантини қўлга киритди. Ушбу маблағга компьютер ва техника воситалари олинди.

Ана шу қурилмалар асосида ёш китобхонлар электрон каталогини тузишга киришилди.

Акбар АЛИЕВ

ХОТИРА УЙҒОНСА ГўЗАЛДИР...

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Исаак Платонович Цукерваникнинг туғилган кунига 100 йил тўлди.

И.П.Цукерваник Ўзбекистонда ва чет елларда ўз ишлари билан яхши танилган органик кимё соҳасидаги йирик олим эди. Унинг илмий, педагогик ва жамоатчилик фаолияти Ўзбекистон Миллий университетини билан боғлиқ бўлиб, 1933 йилдан 1968 йилгача - 35 йил мобайнида университетнинг органик кимё кафедрасига мудирлик қилди. Унинг серқирра фаолияти давомида ароматик бирикмаларни алкиллаш ва ациллаш реакциялари, биологик

Ўз касбига садоқатли эди

фаол органик моддалар, пахта етиштиришда қўлланадиган гербицид ва дефолиантлар синтези муаммолари устида тадқиқотлар олиб борди, талабалар ва аспирантларга дарс берди, монографиялар ёзди. И.П.Цукерваник 1901 йилда Боқуда туғилди. Урта мактабни Қўқонда тугатди. 1920 йилда Туркистон (ҳозирги Ўзбекистон) Миллий университетининг кимё бўлимига ўқушга кирди. 1927 йилда университетни тугатиб кафедрада аспирант, кейинчалик ўқитувчи бўлди. 1931 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаб доцент вазифасини бажаради. 1940 йилда эса докторлик

диссертациясини «Ароматик бирикмаларнинг спиртлар билан алкиллаш» мавзусида ёқлаб кафедра профессори бўлди. Уруш йилларида И.П.Цукерваник органик кимё кафедрасининг ходимлари билан бирга стрептоцид, сульфанилин, никотин кислотаси, бромкамфора, сахарин каби дори моддалар олиш ишларини амалга оширди, ҳарбий-мудоффа топширилари бажариб, дизел ёқилгисини олиш ишларига раҳбарлик қилди. 1944 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси кимё институтида органик синтез лабораториясини ташкил қилиб қишлоқ ҳўжалиғи

учун зарур бўлган физиологик фаол моддалар олиш ишларига раҳбарлик қилди. 1944 йилда Фанлар академиясининг муҳбир, 1966 йилда эса ҳақиқий аъзоси қилиб сайланди. И.П.Цукерваник кимёвий жараёнларни ўрганаркан, асосий этибборни уларнинг қонуниятларини, уларни керакли йўналишда келтириш шароитларини аниқлашга қаратар эди. Бундай тадқиқотлар натижасида ароматик бирикмаларнинг икки функционал гуруҳли бирикмалар билан реакцияларнинг бориш шароитларини аниқлади, уларнинг механизми ўрганилди. Айниқса реакцияларда қам

миқдордаги металлларнинг каталитик хусусиятларини аниқлади ва Фридель — Крафт реакцияларининг имкониятлари кенгайтирилди. Бу тадқиқотларни И.П.Цукерваник «Ароматик бирикмаларни алкиллаш соҳасидаги тадқиқотлар» номли монографиясида батафсил ёритди. Унинг шоғирдлари билан олинган кимёвий моддалар орасида эндолат, бутилкаптакс деб номланган пахта баргини терим олдидан тўқувчи препаратлар—дефолиантлар, толунин, етосидин каби гербицидлар яратилди ва қишлоқ ҳўжалиғига жор қилинди. Унинг раҳбарлиғи ости-

да қўлаб олиий маълумотли кимёгар-органик мутахассислар, 47 та фан номзо-ди ва 2 та фан доктори тайёрланди. И.П.Цукерваник барча эътироф этилган иқтидор педагог эди. Унинг мазмуни, қизқарили ва янгиликларга бой мазмуналари кўпчилигини ўзига жалб қилар эди. Юксак хизматлари учун И.П.Цукерваник қўлаб орден ва медаллар билан мукофотланган эди. Ўзбекистон Миллий университети кимё факультети деворида унга ёдгорлик хотира тахта-сини ўрнатилган. Ўз касбига садоқатли, юксак инсоний фазилатларга эга бўлган И.П.Цукерваникнинг ҳаёти илм-фанга садоқатли хизмат қилишининг намунаси бўлиб қолади. Қудрат АҲМЕДОВ, профессор.

Она нигоҳи — илҳом бешиги

Кунни кеча шахримизнинг сўлим дам олиш масканларидан бири Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида эрта тонгдан карнай-сурнай садолари янграб, ушбу боғда «Шу азиз Ватан — барчамизники!» деб номланган Юнусобод тумани аёллари, ёшлари ва болаларнинг байрам сайли бўлиб ўтишидан дарак берди...

Шу кунни боғнинг қай томонида бўлмайлик бири бидан кизикарли, бири бидан мароқли ўтаётган «Болалар — Ватан таянчи» фестивали, «Истиклол тенгдошиман» — ўн ёшлилар эъзоз давраси, «Хеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» ёшлар фестивали, «XXI аср маликалари», «Она нигоҳи — илҳом бешиги» кўрик-танловлари, «Зулфия кизлари» давраси каби танловларнинг гувоҳи бўлди.

— Ушбу боғда Оналар ва болалар йилга бағишланган 6 та тадбирни баравар ўтказмоқдамиз, — дейди Юнусобод тумани ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ихтимой муҳофаза қилиш котибиятининг бош мутахассиси, ўз касбининг



«Олимпиада умидлари-2001»

Ҳамшаҳарларимиз муваффақияти

БУГУН
шахримиз спорт майдонларида 1984-85-йилларда туғилган мактаб-ўқувчилар



ри ўртасида ўтказилган «Олимпиада умидлари-2001» спорт ўйинларининг финал босқичи нихоясига етди.

Албатта, умумий яқунларни чиқаришга вақт ҳали эрта бўлса-да, бироқ деярли барча спорт турлари бўйича ҳамшаҳарларимиз олданда бораётганликларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Хусусан, тошкентлик баскетболчи ўсмирлар ўтган кунни наманганликлар устидан 91:32 ҳисобида галаба қозондилар. Кеча баскетболчиларимиз 1-2 ўрин учун беллашувда андижонлик ўсмирлар билан баҳр юритдилар. Қизларимиз эса Қарши спортчиларини 103:13 ҳисобида мағлуб этдилар.

Қўл тўпи бўйича ўсмир ҳамшаҳарларимиз наманганлик

ҳақиқий фидойиси, маданият аълоҳиси Музаффар Жаъфаров. — Ушбу кўрик-танловларнинг ўтказилишидан мақсад фарзандларимизни миллий урф-одатларимиз ва кадриятларимизни улуғлаш руҳида тарбиялаш, қизларимизни хунарли қилиш ва ҳаётга ҳар томонлама тайёрлаш, соғлом ва баркамол бўлиб ўсишларида ўз ҳиссамизни қўшишдан иборатдир.

— Мирзо Улуғбек боғи — халқимизнинг маза қилиб, мароқли ва маданият дам олиш масканидир, — дейди элҳунос олим Билал Аминов. — Худди асалари болга интилганидек, одамлар ҳам шу боғқа интилиб келади. Бугунги ўтказилган қатор тадбирларни кўриб дилим яйради. Улар кўтаринки руҳда, жуда чиройли ва мазмунли ўтмоқда. Аҳамиятлиси, танловда иштирок этаётган ҳажми болажонлардан тортиб катталаргача мароқ билан қатнашмоқдалар, ўз мактаби, ўз маҳалласи галабаси учун жон куйдирмоқдалар. Одамларнинг қайфиятини кўриб мана шундай тадбирлар янада кўпроқ ўтказилиши керак, деб ўйлайман. Бинобарин, халқ қайфияти ва руҳи чексиз бойлик.

Юнусобод тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими ва маданият ишлари бўлими, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ташаббуси билан Мустақиллик-гимизнинг ўн йиллиги ҳамда Оналар ва болалар йилга бағишланган ушбу байрам сайли, кўрик-танловлар барчага манзур бўлди. Фолибар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Бутун кун давомида янграган шўх қуйи ва қўшиқлар дилларга завқ бағишладилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: танловлардан лавҳалар.

Ранг-баранг дастурда

Аввал хабар берганимиздек, ўтган шанба кунни пойтахтимиздаги сўлим ғўшалардан бири бўлмиш Бобур номидаги истироҳат боғида Пиво фестивали ўтказилди.

«Oziqovgatsanoat» Уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу фестивалда бири-биридан ранг-баранг танловлар ўтказилди. «Уч курушка пивони ким тезлик билан ичади», «Олтиш сония ичида ким қанча пивони ичиши мумкин» каби танловларнинг номининг ўзиёқ унда қўпчилик қатнашишга жазм этганлигини бу ерга келганлар ўз қўларини билан кўришди. Фестиваль меҳмонлари дастур асосида сайр қилдилар, кимдир концерт дастуридан

ФЕСТИВАЛЛАР



яти пиво усталари тайёрлаган махсулотлар муҳлисларда катта таассурот қолдирди. Пиво ишлаб чиқарувчилар шу кунни ўз махсулотларини кўз-кўз қилдилар. (Ўз муҳбиримиз)

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Қандала ҳақида

Баъзилар уйимизда қандала кўпайиб кетди, уйқимизда ҳаловат йўқ, у қандай ҳашарот, уни қандай қилсак йўқ қилиш мумкин, деб бизга маслаҳат сўраб мурожаат қилишади.

Мен ушбу ҳашарот ҳақида фикр юритмоқчиман.

«Клапа» сўзининг ўзбекча номи «қандала» дейилади. Кўпроқ тўшақ ва бошқа ўрин-кўрпалар чокларида учраганлиги учун «Тўшақ қандаласи» деб ҳам юритилади.

Тўшақ қандаласи ҳам бошқа ҳашаротлар каби тез қўлаовчи зараркунанда бўлиб, тўшақ ва ўрин-кўрпалар чокларида, мебелларнинг таг ва орқа томонларида, ётоқ мебеллари ичида ҳаёт кечиради. Аксарият ҳолларда ётоқ мебелларини кўтарсангиз атрофларида ва таг томонлари

артиб туринг, шунингдек, кесроин бўлса, латтани хўллаб юқоридаги жойларни артиб туринг. Тўшақ ва кўрпаларни ахшилаб вақти-вақти билан қоқиб, офтоб тигига 2-3 соат ёзиб қўйинг.

Агар биз тавсия қилган юқоридаги маслаҳатлар яхши наф бермаса ўзингиз яшаб турган тумандаги дезинфекция станцияларига мурожаат қилинг. Бу ерда мутахассислар сизга кимейвий йўл билан қандалани зарарсизлантириб йўқ қилиб беришади. Билиб-билимай ҳар хил кимейвий дезинфекциялоовчи моддалардан фойдаланманг.

Аҳмаджон Чўллийев, Ҳамза тумани юқумли касалликларнинг олдини олиш ва зарарсизлантириш станцияси бош шифокори.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилми: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

«Йўлчиروق — 2001» ғолиблари аниқланди

Мирзо Улуғбек номи маданият ва истироҳат боғида туманлардаги мусобақаларнинг ғолиб жамоалари иштирокида «Йўлчиروق — 2001» шаҳар танловининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда ўн битта тумандан энг кучли мактабларнинг ёш йўл ҳаракати билимдонлари тарғибот гуруҳлари, йўл ҳаракатини бошқарувчилар танлови, йўл ҳаракати қондалари билимдонлари, велосипедда юриш, сафда юриш, жароҳатланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўз кўникма-билимларини намойиш қилдилар, болалар уйдан мактабгача бешиқаст бориб-келишларини таъминлаш учун уйдан мактабгача бўлган йўлнинг мактабларини ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола эгдилар. Шунингдек йўл ҳаракати қондалари бўйича деворий газеталар танлови ҳам ташкил этилди, болалар радио билан бошқариладиган машина орқали йўл ҳаракати қондаларини амалий жиҳатдан қанчалик билишларини курсатдилар. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси ходимлари эса ўқувчилар билимларини баҳолаб боришди.

Нихоят йиғилган баллар ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг Шайхонтоҳур туманидаги 98-мактаб ўқувчилари «Йўлчиروق — 2001» шаҳар танловининг ғолиблари бўлишди. Ва улар Бухоро шаҳрида ўтказилган республика мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Иккинчи ўрин ва «Йўлчиروق» телевизион танловида иштирок этиш ҳуқуқи Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб ўқувчиларига насиб этди. Ҳамза туманидаги 77 ва Чилонзор туманидаги 237-мактаб йўл ҳаракати билимдонлари учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Барча ғолиб ва совриндорларга Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар қўмитаси томонидан ажратилган совғалар, фахрий ёрликлар топширилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

СУРАТДА: «Йўлчиروق — 2001» шаҳар танловидан лавҳалар.
Сергей Любич олган суратлар.

СПОРТ

Ҳурмат шоҳсупасида — аёллар

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси ташаббуси билан тармоқдаги 12 та олий ўқув турларини аёллар ўртасида баскетбол, волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси, енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақалар яқунланди.

Мусобақа 2001—Оналар ва болалар йилга бағишланган, унга айнан ўқув юртларидаги аёллар жалб қилинди. Ўзбекистон Миллий университети спорт базасида ўтказилган беллашувларда яқунги нати-

жаларга кўра Ўзбекистон Миллий университети жамоасига 1-ўрин, Тошкент Давлат педагогика университети 2-ўрин, Тошкент Давлат техника университети 3-ўрин насиб этди. Ғолибларга таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар топширилди.

Шерзод Жўраев, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси ташаббуси билан мусобақа мудири.

БИЛАСИЗМИ?

Чўнтак таржимони

Франциянинг машҳур «Лексибук» фирмаси таржима қилган катталли радиотелефондек чўнтак электрон аппаратни яратдилар.

Бу асбоби учинчи таржима қилмоқчи бўлган сўз устидан юргизилганда, сўз таржимасини асбоб экранда яқоқ кўриб туради. Бу мослама ҳозир фалат инглиз ва француз тилларидаги сўзларни бехато таржима қилиб, хотирасида қамиди 500 милг сўз сақланади.

Рангли чўнтак телевизор

Японияда «Эпсон» фирмасининг француз чўнтак экранли суую кристалдан, оғирлиги 400 граммлик бўнтак рангли телевизори ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

У «Секам» тизими асосида бўлиб, кичик батарея билан ишлайди. Экрани диагонали 13 сантиметр бўлиб, телестанцияларни автоматик равишда ўзи топади. Бу битти телевизор 121100 элементдан (катта телевизорда — 480000) ташкил топган, равналлиги, аниқ тасвири мўъжаз экан учун етарли.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Тошпўлат Незмат ўнга яқин шеърий тўпламларнинг муаллифидир. Унинг 250 дан зиёд шеърларига композиторлар томонидан оҳанглар басталанган бўлиб, бу қўшиқлар халқимизга руҳий ва маънавий озика бахш этиб келмоқда. У 35 йил Ўзбекистон телерадиокомпаниясида фаолият кўрсатди. Шу йиллар ичида шoirнинг ўз ижоди ва рус, ўзбек, қозоқ, қирғиз адибларининг асарлари асосида яратган 30 дан ортиқ радиосаҳна асарлари ҳозирги кунда Ўзбекистон радиосининг ҳазинасида сақланаётир. Салоҳиятли шoir ва журналистининг ижодидан айрим намуналарни «Оқшом» муштарыларига тақдим этаётимиз.



Порлайвергин, эрк қуёшим

Тинди ёмғир,
Тинди ёққан қор,
Кўз ёшларим менин тинмади.
Ўтди қанча баҳор, куз тақор,
Кўз ёшларим менин тинмади.
Оҳ, соғиндим сени, Озодлик,
Марвойити шу кўз ёшим билан.

Кутдим ташна, кутдим ҳаётлик
Тандаги бор бардошим билан.
Келдинг охир, келдинг Истиклол,
Кўқлардадир шодлиқдан бошим,
Энди мангу бўлиб қол иқбол,
Порлайверсин, эрк қуёшим!

Ҳур элим

Ватан — она, ягона
Ўзим сенга парвона,
Кучоғингда мардона,
Яшайман, бахтим

Эрк берди истиклол,
Ойдин, порлоқ истикбол,
Олам ахлин қилиб лол,
Гуллагин, яшна ҳамон,
Эй азиз, обод макон.

Сен менин ҳаётимсан,
Кўшигим, қанотимсан,
Севимли баётимсан,
Номинг тилларда дoston,
Ҳур элим — Ўзбекистон!..

Умр — оқар дарё

Умр деган — оқар дарё, оқиб ўтади,
Йўлларига гул-чечаклар тақиб ўтади.
Кимларнингдир зулмат чўккан хаста
Дилига, дилига,
Мехрин мисли машал қилиб, ёқиб ўтади.

Яхшиларнинг орқасидан номи қолади,
Яхшиликдан ёққан ўчмас шоми қолади.
Кимларгадир армон бўлган ушбу ҳаётда,
Лаб теккизи ичолмаган жами қолади.
Тошпўлат НЕЗМАТ

ТАНЛОВЛАР

Учиб юрадиган одамлар

Бунақа одамлар одатда эртақларда ўрайди. Шунингдек ялмоғизларнинг ҳам супурги ёрдамида учиб юришини кинофильмлар орқали кўрганмиз. Аммо учиб юрадиган одамлар булган экан...

Френсис исмли йигит осмонда уча олиш қобилиятига эга бўлган. Унга севган қизини беришмагач, фермада ишлаётган пайтда қабқандир учиб келиб қизни ўғирлаб осмонга кўтарилган ва узоқларга олиб қонган. Френсисни қариган чоғида ботқоқликдан топиб олди. У учишга мадори ётмай уша ерга тушган ва ботқоқдан чиқолмай ҳалок бўлган.

Оливье Леруанинг ёзишича, католик черковининг 230 ҳодими учини билган. Адолфус исмли черков ҳодими 30 метр баландликда уча олган. Лекин бунақа қобилиятли одамларнинг кўпини сеҳргарликда айблаб, ўтда ёндиришган.

Магнит бола

Бундан қарий икки ярим аср олдин яшаган Девид исми бола кўп умр кўрмаган. У ўзининг ғаройиб хислати туйғалигига узоқ яшамаган.

Девид танасининг тортишиш кучи шунчалик зўр эдики, у икки метр наридаги ҳар қандай одамни ўзига тортиб оларди. Унда фан ҳар ҳолда бунчалик таъқий элмаган эди. Европада диний мутаассиблик кучли эди. Уртамеёна оиладан чиққан «сеҳргар» черков ёқтирмади. Дин уламолари уни шайтонга тенглаштирдилар.

Лекин унга қизиқувчилар кўп бўлган. Бойлар болачақалари билан беришиб Девиднинг ғаройиб хислатларини бирма-бир синаб кўрадилар. У ўн етти ёшида бир зодогон қизни кўриб қолади. Шуниси қизиқки, қиз йигитга қанчалик яқин келмасин тортиш кучи ишга тушмасин. Бошқа қизларни уларнинг хоҳишсиз ҳам Девиднинг магнити ўзига тортиб оларди. Ана шундай тошшалар пайтда бир бойнинг қизи Девидга ёпишиб олади. Бой қизим ҳаром бўлди, деб йигитни отиб ташлади.

Дунё буюқ қобилият эгасидан ана шундай ажралган.

Қон йиғловчи аёл

1962 йили дунёдан кўз юмган Тереза исмли аёл ҳақида турли ривоятлар юради. Айтишларича, у йилгас-йилгас кўзи-қондан қон оқиб юзиди ювиб тураркан. Ундаги бу ҳолатни ўрганган олимлар оддий кўз ёшлари ўрнига нега қон оқибди аниқлай олмаганлар.

Ривоят қилишларича, Тереза дунёга гам олиб келиш учун туғилган экан. У қадам босган ерда кулфат туғилар эмиш. Энг кўноқ одамлар ҳам гамга ботиб, нима қилишини билмасдан, бир-бирини ғийбат қилиб яшага интилишган экан. Шунинг учун Тереза одамлардан қочиб яшаган. Унинг қўзларидан доимо қон тинимиш оқиб турган. Ҳатто ўлаётганида ҳам одамлардан кечирим сўраб туриб қўзларидан чеҳлаб қон оққан экан.

Фирт ростчи

Одамнинг афтига қараб туриб унинг феъл-авориини айтиб берадиганлар бўлган. Ана шундайларнинг янада антикаси Африкада яшайди. У афтингизга қараб туриб қайси йили ва қайси кун туғилганингизни айтиб бера олади.

Унинг бу санъатига қойил қолмай илоҳ йўқ. У бирийла юз нафар одамни қабул қилганда битта-иккитага адашиши мумкин экан.

Бозорчи от

Камертон фамилияли кимсаннинг оти жуда ақли. У Доғ лақабли отини йиғирма йилдан бую авайлаб келади. Деярли шунча йилдан буюн Камертон бирор марта ҳам бозорга бормаган. Бозор-учарини унинг оти қилади. От ҳатто юзла километр наридаги бозорларга ҳам бориб, эгасининг кўнглигадидек бозор қилиб келади.

Мирзаамир МИРЗАШИРПОВ тўплади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўргатилган ҳайвонларнинг машҳур бўлган аттракцион гастроллари 27 майга қадар узайтирилади.
Раҳбари Рустем Паша
Цирк ҳафтада 3 кун ишлайди
Жума кунлари соат 18.00 да
Шанба ва яшанба кунлари соат 12, 15, 18.00 да.
Ҳамма томошаларга жамоа бўлиб келиш учун илтимоснома қабул қилинмоқда.
Маълумот учун телефон: 144-32-23

● TOSHKENT MOL-XOMASHVO BIRJASI масъулияти чекланган жамият қайта ташкил бўлаётганлиги сабабли ёпишмоқда.
Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида 139-83-85 телефони орқали
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ
● Собир Раҳимов туманидаги 1-ўрта мактаб томонидан Ирода Давронова Баликова номига 1998 йилда берилган 243641-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши кўрортлар бошқармаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Набиевна Жаҳонгировага она-ларни
Амина Муҳаммаджановна АБАЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик билдиради.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси, Олий Мажлис депутаты Д. Н. Жаҳонгировага волидан муҳтарамаси
Амина Муҳаммаджановна АБАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия билдиради.